

## **КЕЙС СТАДИ ПЕДАГОГИК АННОТАЦИЯ**

**1.Фаннинг номи:** “Бухгалтерия ҳисоби назарияси”.

**Мавзунинг номи:** “Бухгалтерия баланс, унинг тузилиши ва мазмуни”.

**2.Ушбу кейснинг мақсади** – талабаларни бухгалтерия баланси бўйича эгаллаган назарий билимлари асосида амалий ҳаракатлар, мулоқотлар, фикрлаш орқали баланснинг аҳамияти, моҳияти, турлари, хўжалик жараёнлари натижасида балансдаги ўзгаришлар тўғрисида тўғри баҳолай олишлари кераклиги билан белгиланади.

**Кутилаётган натижалар:** Бухгалтерия баланси бўйича тушунчани шакллантириш, унинг аҳамияти, моҳияти, турлари, хўжалик жараёнлари натижасида балансдаги ўзгариш усулларини ўрганиш, корхонанинг молиявий ҳолатини баҳолаш ва берилган муаммоларни ечиш. Кейсни муқоффақиятли ечиш учун талабалар қуйидаги натижаларга эришишлари лозим активларни узоқ муддатли ва жорий маблағларга, пасивларни эса хусусий капитал ва мажбуриятларга ажратиш; ҳисобот даври бошига бошланғич баланс тузиш; баланс маълумотларига асосан корхонанинг молиявий ҳолатига баҳо бериш.

**3.Ушбу кейс кабинетли ва сюжетли тоифасига киради.** Вазиятли ҳолатни ўтган даврдан ҳозирги давргача бўлган иқтисодий жараёнлардан иборат.

**4.Бу ташкилий-институционал кейс.** У корхонанинг маълумотларига тақрибан асосда тузилган қисқа ва структурали кейс-топшириқ. Кейснинг объекти бўлиб “ШАРҚ” МЧЖ ҳисобланади.

**5.Дидактик мақсадлари бўйича** - тренинг кейси ҳисобланиб, амалий машғулот давомида берилган мавзу бўйича олинган билимларни мустақамлашга мўлжалланган. Шу боисдан, кейсда алоҳида вазиятда вужудга келган муаммони таҳлил қилиб, ижобий ҳал қилиш учун вазифалар, уни ечиш кетма-кетлиги, ахборот манбалари берилган.

**6.Кейснинг асосий ахборот манбаси сифатида ШАРҚ» МЧЖнинг 2014 йил 1 январ ҳолатига бўйича хўжалик маблағлари ва маблағларнинг манбаларининг кўрсаткичларидан фойдаланилган.**

**7.Кейснинг асосий моҳияти, афзалликлари қуйидагилардан иборат:**

- ўқув машғулотли кейс-технологияси орқали ўтказилади;
- талабаларни максимал фаоллигини оширади ва мустақил ишлашга, фикрлашга ундайди;
- аниқ маълумотлар асосида қурилган вазиятнинг мавжудлиги талабаларда уни ечишга қизиқиш уйғотади;

**8.Ушбу кейсдан** – “Бухгалтерия ҳисоби назарияси”, “Бухгалтерия ҳисоби” **фанларидан ўтказиладиган машғулотларда фойдаланиш мумкин.**

### **Кириш**

Корхоналарнинг молия-хўжалик фаолиятини баҳолаш ва уларга раҳбарлик қилиш ҳамда бошқариш учун корхона қандай маблағларга эга; уларнинг таркиби, жойланиши ва ишлатилиш даражаси, шунингдек ушбу маблағлар манбалари тўғрисида аниқ маълумотларга эга бўлиш зарур. Бунинг учун бухгалтерия баланси тузилади.

Бухгалтерия баланси бозор иқтисодиёти шароитида турли ахборотдан фойдаланувчилар учун асосий манба бўлиб хизмат қилади. Хўжалик юритувчи субъектнинг баланси, мулкдорлар, менежерлар ва бошқарув билан боғлиқ бошқа шахсларни корхонанинг мулквий ҳолати билан таништиради. Балансдан мулкдор нимага эга эканлигини, яни корхона тасарруф қила оладиган товар-моддий захиралар ва бошқа активлар қандай миқдор ва сифат нисбатида эканлигини билиш мумкин.

Балансга асосан хўжалик юритувчи субъект учинчи шахслар олдидаги мажбуриятларини бажара олиши ёки унга молиявий қийинчиликлар хавф туғдираётганлигини аниқлаш мумкин.

Баланс бўйича хўжалик юритувчи субъект молия-хўжалик фаолиятининг якуний молиявий натижаси ҳисобот даврида хусусий капиталнинг ўсиши кўринишида аниқланиб, унга мувофиқ корхона раҳбарларининг уларга ишониб топширилган моддий ва молиявий ресурсларни сақлаш ва кўпайтириш лаёқати баҳоланади.

Баланс маълумотлари асосида исталган хўжалик юритувчи субъектнинг оператив молиявий режаси тузилади ва олинган фойдага мувофиқ, пул маблағлари ҳаракатини назорат қилиш амалга оширилади.

**Ушбу кейсда “ШАРҚ” МЧЖнинг 2014 йил 1 январ ҳолатига бўйича хўжалик маблағлари ва маблағларнинг манбаларининг кўрсаткичлари асосида ҳисобот даври бошига бошланғич баланс тузиш; баланс маълумотларига асосан корхонанинг молиявий ҳолатига баҳо бериш, хўжалик муомалалари натижасида балансда рўй берадиган ўзгаришларни акс эттириш ва ҳар бир муомаланинг қайси типга тегишлилигини аниқлаш ҳамда ҳисобот даври охирига баланс тузиш, бошланғич ва якуний балансларни таққослаш имкони бўлади..**

Берилган кейсни ечиш натижасида қуйидаги ўқув натижаларига эришиш мумкин:

- ўрганилган мавзу бўйича олинган билимларни мустаҳкамлаш;
- муаммони алоҳида ва гуруҳлараро таҳлил қилишга ва асосли бошқарув қарорларини қабул қилишга ўрганиш;
- мустақил қарор қабул қилишга ўрганиш;
- ўқув маълумотларини ўрганиш даражасини текшириш.
- активларни узоқ муддатли ва жорий маблағларга, пассивларни эса хусусий капитал ва мажбуриятларга ажратиш; ҳисобот даври бошига бошланғич баланс тузиш; баланс маълумотларига асосан корхонанинг молиявий ҳолатига баҳо бериш.

### **1. “ШАРҚ” МЧЖдаги вазият билан танишиш**

Хўжалик фаолияти жараёнида содир бўладиган муомалалар таъсирида корхона маблағларининг таркибида ва уларнинг ташкил топиш манбаларида, айрим ҳолларда уларнинг иккаласида ҳам ўзгаришлар юзага келади. Хўжалик маблағлари ва уларнинг ташкил топиш манбаларидаги рўй берган ўзгаришлар балансда ҳам тегишли ўзгаришларга олиб келади. Маблағлар қиймати ўзгармаган ҳолда доиравий айланиш жараёнида уларнинг буюм шакли ўзгаради, маблағлар ташкил топиш манбаларининг ҳам шакли ўзгаради, хўжалик маблағлари кўпаяди ёки камаяди. Лекин баланснинг асосий хусусияти- хўжалик муомалаларини ҳисоботларда икки ёқлама акс эттириш таъсирида баланс моддалари суммаси ўзгарганда актив ва пассив тенглигининг ўзгармаслиги доимо сақланади. Буни мисолда тасдиқлашимиз учун “ШАРҚ” МЧЖнинг 2014 йил 1 январ ҳолатига бўйича хўжалик маблағлари ва маблағларнинг манбаларининг кўрсаткичлари берилган.

### **2. “ШАРҚ” МЧЖнинг 2014 йил 1 январ ҳолатига кўрсаткичлари маълумотлари**

1-гуруҳ учун

“ШАРҚ” МЧЖнинг 2014 йил 1 январ ҳолатига қуйидаги актив ва пассивлар келтирилган: Асосий воситалар 991000 , Асосий воситаларнинг эскириши 50000 , Мол етказиб берувчиларга қарздорлик 195000, Материаллар 16800, Касса 15700, Бюджетга тўловлар бўйича қарздорлик 9200, Ҳисоб-китоб счёти 246000, Устав капитали 784600, Қисқа муддатли банк кредитлари 127700, Меҳнатга ҳақи бўйича қарздорлик 35000, Харидорлардан олинмаган счётлар 82000, Таксимланмаган фойда 150000.

## 2-гуруҳ учун

“ШАРҚ” МЧЖнинг 2014 йил 1 январ ҳолатига қуйидаги актив ва пасивлар келтирилган Асосий воситалар 1050000, Асосий воситаларнинг эскириши 150000, Мол етказиб берувчиларга қарздорлик 255600, Хўжалик жиҳозлари ва инвентарлар 168000, Касса 75800, Мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар бўйича қарздорлик 96000, Ҳисоб-китоб счёти 985600, Устав капитали 1085000, Узоқ муддатли банк кредитлари 572540, Мехнатга ҳақи бўйича қарздорлик 350680, Харидорлардан олинadиган счётлар 301920, Тақсимланмаган фойда 71500

### 3.Билимларни жонлантириш учун саволлар

1. Бухгалтерия баланси нима ва унинг моҳияти?
2. Бухгалтерия баланси тузилишини тушунтиринг
3. Бухгалтерия баланси маълумотлари бўйича қандай кўрсаткичларни ҳисоблаш мумкин?
4. Баланснинг мазмуни корхонанинг қайси тармоққа тегишлилигига боғлиқлиги нималарда намоён бўлади?
5. Хўжалик муомалалари таъсирида балансда рўй берадиган ўзгаришларни айтинг.

### 4.Талабалар учун методик кўрсатмалар

**Муаммо.** Актив ва пасивнинг ўзаро тенглиги улкан назорат аҳамиятига эга бўлиб, бухгалтерия ёзувларининг тўғрилигини текшириш ва ҳисобот тузишда фойдаланилади.

Корхонадаги кўрсаткичлар асосида активлар ва пасивларга ажратиш, активларни узоқ муддатли ва жорий маблағларга, пасивларни эса хусусий капитал ва мажбуриятларга ажратиш, ҳисобот даври бошига бошланғич баланс тузиш ҳамда тузилган баланс маълумотларига асосан корхонанинг молиявий ҳолатини аниқлаш.

#### Вазифалар

- бухгалтерия баланси хўжалик юритувчи субъектнинг маълум санага бўлган молиявий аҳволини акс эттириши лозим.
- баланс актив ва пасиви ҳамма вақт ўзаро тенг бўлиши шарт.
- баланс активи ва пасивининг ўзаро тенглиги унинг активда ҳам, пасивда ҳам бир хил хўжалик маблағлари акс эттирилишидан келиб чиқади, лекин активда маблағлар таркиби, жойланиши ва ишлатилиш шакли бўйича, пасивда эса ташкил топиш манбалари ва мақсадли тайинланиши бўйича акс эттиририш лозим.

#### Ечиш кетма-кетлиги

1. Юқорида келтирилган кўрсаткичларни активлар ва пасивларга ажратинг.
2. Активларни узоқ муддатли ва жорий маблағларга, пасивларни эса хусусий капитал ва мажбуриятларга ажратинг.
3. Келтирилган шаклда ҳисобот даври бошига бошланғич баланс тузинг.
4. Баланс маълумотларига асосан корхонанинг молиявий ҳолатига баҳо беринг.

**Амалий вазиятни таҳлил қилиш учун методик кўрсатма**

<b>Таҳлил босқичлари</b>	<b>Тавсия ва маслаҳатлар</b>
1. Кейс билан танишиш	1.Кейсни ўқиш жараёнида вазиятни таҳлил қилишга шошилманг. 2.Берилган вазият билан танишинг. Вазиятга таъриф беришга ҳаракат қилинг. 3.Вазиятни таҳлили учун ахборот манбалари билан таъминланганликни аниқланг.
2. Вазиятнинг ташҳиси ва таҳлили	1.Корхона фаолиятида юзага келган ҳолатни ойдинлаштиринг. Вазиятнинг муҳим хусусиятларини, миқдор ва сифат томонларини белгиланг. Уларга асосан корхонанинг ҳисобот даври бошига ва охирига бўлган ҳолатини аниқланг ҳамда уларни таққосланг. 2.Вазиятни таҳлил қилиш жараёнида муаммо қандай даражада ечилишини белгиланг. Уни ечиш мумкинми?, Қандай натижага эришиш мумкин? 3.Муаммони ечиш жараёнида бўладиган ёки бўлиши мумкин бўлган қийин ҳолатларни кўрсатинг.
3.Муаммоли вазиятнинг ечими бўйича таҳлил вариантларини танлаш ва баҳо бериш	1.Вазиятнинг ечимини ҳал қилинг. Берилган хулосаларни салбий ва ижобий томонларини кўрсатинг ва баҳоланг. Энг яхши вариантни танланг.

**5. Тўлдириш учун тавсия қилинган жадваллар**

1-гурӯҳ учун

ШАРҚ» МЧЖнинг 2014 йил 1 январ ҳолатига қуйидаги актив ва пассивлар келтирилган

<i>№</i>	<i>Счётларнинг номи</i>	<i>Сумма, сўм.</i>	<i>Актив</i>	<i>Пассив</i>
1	Асосий воситалар	991 000		
2	Асосий воситаларнинг эскириши	50 000		
3	Мол етказиб берувчиларга қарздорлик	195 000		
4	Материаллар	16 800		
5	Касса	15 700		
6	Бюджетга тўловлар бўйича қарздорлик	9 200		
7	Ҳисоб-китоб счёти	246 000		
8	Устав капитали	784 600		
9	Қисқа муддатли банк кредитлари	127 700		
10	Меҳнатга ҳақи бўйича қарздорлик	35 000		
11	Харидорлардан олинадиган счётлар	82 000		
12	Тақсимланмаган фойда	150 000		
	Жами	X		

2-гурӯҳ учун

ШАРҚ» МЧЖнинг 2014 йил 1 январ ҳолатига қуйидаги актив ва пассивлар келтирилган

<i>№</i>	<i>Счётларнинг номи</i>	<i>Сумма, сўм.</i>	<i>Актив</i>	<i>Пассив</i>
1	Асосий воситалар	1050000		
2	Асосий воситаларнинг эскириши	150000		

3	Мол етказиб берувчиларга қарздорлик	255600		
4	Хўжалик жиҳозлари ва инвентарлар	168000		
5	Касса	75800		
6	Мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар бўйича қарздорлик	96000		
7	Ҳисоб-китоб счёти	985600		
8	Устав капитали	1085000		
9	Узоқ муддатли банк кредитлари	572540		
10	Меҳнатга ҳақи бўйича қарздорлик	350680		
11	Харидорлардан олинадиган счётлар	301920		
12	Тақсимланмаган фойда	71500		
	Жами	X		

1.01.2014 й. ҳолатига «ШАРҚ» МЧЖ бухгалтерия баланси

Актив	Ҳисобот даври бошига	Ҳисобот даври охирига	Пассив	Ҳисобот даври бошига	Ҳисобот даври охирига
1	3	4	5	7	8
<b>I. Узоқ муддатли активлар</b>			<b>I. Ўз маблағлари манбалари</b>		
<b>I бўлим бўйича жами</b>			<b>I бўлим бўйича жами</b>		
<b>II. Жорий активлар</b>			<b>II. Мажбуриятлар.</b>		
<b>II бўлим бўйича жами</b>			<b>II бўлим бўйича жами</b>		
<b>БАЛАНС</b>			<b>БАЛАНС</b>		

Январ ойи давомида корхонада қуйидаги хўжалик муомалалари рўй берган (шартли равишда):

№	Хўжалик муомалалари	Сумма, сўм	Ўзгариши тури
1	Ҳисобланган иш ҳақидан даромад солиғи ушланди	2 000	
2	Бюджетга тўловлар бўйича қарз ҳисоб-китоб счётидан ўтказилди	11 200	
3	Мол етказиб берувчилардан материал олинди	20 000	
4	Ҳисоб-китоб счётидан иш ҳақи учун кассага нақд пул олинди	33 000	
5	Кассадан иш ҳақи тарқатилди	33 000	
6	Харидорлардан оладиган қарз ҳисоб-китоб счётига келиб тушди	42 000	
7	Тақсимланмаган фойданинг бир қисми устав капиталига	50 000	

	Ўтказилди		
8	Мол етказиб берувчилардан минерал ўғит олинди	5 000	

Юқорида хўжалик муомалалари натижасида балансда рўй берадиган ўзгаришларни акс эттиринг ва ҳар бир муомаланинг қайси типга тегишлилигини аниқланг. Ҳисобот даври охирига баланс тузинг, бошланғич ва якуний балансларни таққосланг. Қисқача изоҳланг.

Моддалар	Ўзгаришгача бўлган сумма	Ўзгариш, +, -	Ўзгаришдан кейинги сумма	Моддалар	Ўзгаришгача бўлган сумма	Ўзгариш, +, -	Ўзгаришдан кейинги сумма

### 6. Баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонлари

Баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонлари	Максимал Балл	Гуруҳ натижаларини баҳолаш				
		1	2	3	4	5
Маълумотларнинг тўлиқлиги (тўлиқ, тўғри)	1,2					
Маълумотларнинг берилиши (аниқ, мантиқ асосида)	1,2					
Гуруҳларнинг фаоллиги (савол, жавоб, қўшимчалар)	0,6					
Максимал бал	3					
Баҳо 2-3- аъло 1-2- яхши 0,5-1- ўрта						

### 7. Кейсологнинг жавоб варианты

1-гуруҳ учун

ШАРҚ» МЧЖнинг 2014 йил 1 январ ҳолатига қуйидаги актив ва пассивлар келтирилган

№	Счётларнинг номи	Сумма, сўм.	Актив	Пассив
1	Асосий воситалар	991 000	991000	
2	Асосий воситаларнинг эскириши	50 000	50000	
3	Мол етказиб берувчиларга қарздорлик	195 000		195000
4	Материаллар	16 800	16800	
5	Касса	15 700	15700	
6	Бюджетга тўловлар бўйича қарздорлик	9 200		9200
7	Ҳисоб-китоб счёти	246 000	246000	
8	Устав капитали	784 600		784600
9	Қисқа муддатли банк кредитлари	127 700		127700
10	Меҳнатга ҳақи бўйича қарздорлик	35 000		35000
11	Харидорлардан олинadиган счётлар	82 000	82000	
12	Тақсимланмаган фойда	150 000		150000
	Жами	X	1301500	1301500

2-гурух учун

ШАРҚ» МЧЖнинг 2014 йил 1 январ ҳолатига қуйидаги актив ва пассивлар келтирилган

№	Счётларнинг номи	Сумма, сўм.	Актив	Пассив
1	Асосий воситалар	1050000	1050000	
2	Асосий воситаларнинг эскириши	150000	150000	
3	Мол етказиб берувчиларга қарздорлик	255600		255600
4	Хўжалик жиҳозлари ва инвентарлар	168000	168000	
5	Касса	75800	75800	
6	Мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар бўйича қарздорлик	96000		96000
7	Ҳисоб-китоб счёти	985600	985600	
8	Устав капитали	1085000		1085000
9	Узоқ муддатли банк кредитлари	572540		572540
10	Меҳнатга ҳақи бўйича қарздорлик	350680		350680
11	Харидорлардан олинadиган счётлар	301920	301920	
12	Тақсимланмаган фойда	71500		71500
	Жами	X	2431320	2431320

Январ ойи давомида корхонада қуйидаги хўжалик муомалалари рўй берган (шартли равишда):

№	Хўжалик муомалалари	Сумма, сўм	Ўзгариши тури
1	Ҳисобланган иш ҳақидан даромад солиғи ушланди	2 000	2
2	Бюджетга тўловлар бўйича қарз ҳисоб-китоб счётидан ўтказилди	11 200	4
3	Мол етказиб берувчилардан материал олинди	20 000	3
4	Ҳисоб-китоб счётидан иш ҳақи учун кассага нақд пул олинди	33 000	1
5	Кассадан иш ҳақи тарқатилди	33 000	4
6	Харидорлардан оладиган қарз ҳисоб-китоб счётига келиб тушди	42 000	1
7	Тақсимланмаган фойданинг бир қисми устав капиталига	50 000	2

	Ўтказилди		
8	Мол етказиб берувчилардан минерал ўғит олинди	5 000	3

Юқорида келтирилган мисолларга кўра хўжалик муомалалари таъсирида биринчи ва иккинчи тип ўзгаришларда, ўзгариш фақат балансинг актив қисмидаги моддалар орасида ёки пасив қисмидаги моддалар орасида алоҳида бирининг кўпайиб, иккинчисининг камайишига олиб келади. Шу билан бирга балансинг актив ва пасив қисмларининг жами суммаси ўзгармайди.

Учинчи ва тўртинчи тип ўзгаришлар эса, ўзгариш балансинг актив қисмидаги тегишли моддаларни ҳам, пасив қисмидаги тегишли моддаларни ҳам бир вақтда кўпайтиради (учинчи тип ўзгариш) ва камайтиради (тўртинчи тип ўзгариш). Шу билан бирга балансинг умумий суммасига таъсир қилади, яъни ёки кўпайтиради, ёки камайтиради

Бухгалтерия баланси ахборотларга бой манба бўлиб, уларга асосланиб хўжалик юритувчи субъект молия-хўжалик фаолияти ҳамда унинг натижалари баҳоланади. Айнан мана шундай муҳим аҳамиятга эга бўлганлиги боис бухгалтерия баланси бухгалтерия ҳисоботи шакллари ичида биринчи ўринда туради. Ундаги ахборотларнинг мазмунини билиш учун нафақат бухгалтерия баланси тузилиши тўғрисида тасаввурга эга бўлиш, балки айрим кўрсаткичлар ўртасидаги мантиқий ва ўзига хос боғлиқликларни ҳам билиш зарур. Бухгалтерия балансининг мазмунини билишда уни ўқиш кетма-кетлиги ҳам муҳим аҳамиятга эга, шунингдек, фақат бухгалтерия балансига хос бўлган айрим чеклашларни албатта билиш зарур.

Бухгалтерия балансининг активи ва пасивининг тузилиши ҳамда мазмуни ундаги ахборотдан фойдаланувчилар, энг аввало ташқи фойдаланувчиларга қаратилган. Дебитор ва кредитор қарзларнинг ҳолатини очиб берувчи, корхонанинг жорий харажатлари ёки фойдаси ҳисобидан ташкил этилган хусусий капитал ва айрим турдаги резервлар шаклланишини очиб берувчи моддалар батафсиллик даражасининг юқорилиги шундан келиб чиқади.

#### 8. “Бухгалтерия балансининг моҳияти ва тузилиши” мавзуси бўйича вазиятли ҳолат ечимини аниқлаш бўйича

##### Ўқитиш технологияси.

Вақт: 2 соат.	Талабалар сони: 25 та.
Машғулот шакли	Назарий билимлар асосида билим ва кўникмаларни чуқурлаштиришга йўналтирилган амалий топшириқларни бажариш.
Машғулот режаси	1. Мавзу мазмунига кириш. 2. Билимларни жонлантириш. 3. Кейс билан индивидуал танишиш. 4. Кейсни кичик гуруҳларда ечиш ва тақдим қилиш. 5. Натижаларни таҳлил қилиш ва баҳолаш. 6. Машғулотни яқунлаш. Гуруҳ ва талабалар фаолиятини ҳамда ўқув машғулотида эришилган ютуқларни баҳолаш.
<b>Ўқув машғулотининг мақсади:</b> Талабалар эгаллаган назарий билимлар асосида амалий харажатлар, фикрлаш орқали муайян иқтисодий ва молиявий вазиятни тўғри баҳолаб, асосли бошқарув қарорларини қабул эта билишлари керак.	
Педагогик вазифалар:	Ўқув фаолияти натижалари:



<p>✓ Корхонанинг хўжалик маблағлари ва маблағларнинг манбаларининг кўрсаткичлари билан таништиради;</p> <p>✓ кейсда берилган муаммоли вазият ва унинг вазифалари ҳамда муаммони ечиш кетма-кетлиги билан таништиради;</p> <p>✓ охириги хулосалар берилади ва асосланади.</p>	<p>✓ активларни узоқ муддатли ва жорий маблағларга, пассивларни эса хусусий капитал ва мажбуриятларга ажрата оладилар; ҳисобот даври бошига бошланғич баланс туза оладилар;</p> <p>✓ баланс маълумотларига асосан корхонанинг молиявий ҳолатига баҳо бера оладилар.</p> <p>вазиятдан келиб чиққан ҳолда муаммони аниқлаш, ифодалай олиш ва уни ечиш вазифаларини, муаммонинг ечими бўйича аниқ ҳаракатлар кетма-кетлигини аниқлайдилар;</p> <p>хулоса ва қарорларни асослаш ва ҳимоя қилиш кўникмаларини эгаллайдилар.</p>
Ўқитиш усуллари	<b>Кейс-стади усули, амалий машғулот, баҳс</b>
Ўқитиш воситалари	Кейс, таркатма материаллар, флипчарт, маркерлар, скотч, А32 қоғоз варақлари
Ўқитиш шакллари	<b>Индивидуал, фронтал ва гуруҳларда ишлаш</b>
Ўқитиш шароити	Гуруҳларда ишлашга мўлжалланган аудитория
Мониторинг ва баҳо	Кузатув, блиц-сўров, тақдимот, баҳолаш.

#### Ўқув машғулотининг технологик картаси

Иш босқич-лари	Ўқитувчи фаолиятининг мазмуни	Талаба фаолиятининг мазмуни
	Ўқитувчининг	Талабаларнинг
Тайёрлов босқичи	Мавзунини аниқлайди, кейс стадинини ишлаб чиқади. Кейс материаллари билан танишиш ва ечиш учун талабаларга таркатади. Вазиятни таҳлил қилиш учун услубий кўрсатмалар. Мустақил таҳлил қилишни ва натижаларни вазиятни таҳлил қилиш варағига киритишни топширади.	Кейс-стади мазмуни билан танишадилар. Мустақил тайёргарликни бошлайдилар. Вазиятни таҳлил қилиш варағини индивидуал равишда тўлдирадилар.
1-босқич. Мавзуга кириш. (10 дақ)	1.1.Ўқув машғулотининг мавзуси, мақсади ва ўқув фаолияти натижаларини ҳамда олиб борилиш режасини маълум қилади 1.2.Кейс-стадининг мақсадини ва унинг касбий билимларни оширишга таъсирини аниқлайди. 1.3.Талабаларнинг машғулотдаги фаолиятини баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонлари билан таништиради .	Тинглайдилар, саволлар берадилар, танишадилар

<p>2- босқич. Асосий қисм. (60 дақ)</p>	<p>2.1.Мавзу бўйича блиц-сўров усулида талабалар билимлари. 2.2.Талабаларни гуруҳларга бўлади. Кейс билан мустақил ишлаш натижаларини кичик гуруҳларда муҳокамасини ташкил қилади, Коллектив равишда вазиятни таҳлил варағини тўлдиришни, индивидуал ҳолда ечилган муаммоли вазият ечими бўйича муҳим натижаларни баҳолаш ва танлашни, тақдимотга тайёрлашни топширади.</p>	<p>Саволларга жавоб берадилар, муҳокама қиладилар, аниқлаштирувчи саволлар берадилар  Топшириқларни муҳокама қиладилар, вазиятли ҳолатни мустақил таҳлил қиладилар.</p>
	<p>2.3.Ўқув фаолиятини бошқаради, маслаҳат беради. Индивидуал иш натижаларини текширади ва баҳолайди. 2.4.Тақдимот бошланишини эълон қилади. 2.5.Кейсни ҳал қилиш ишлари натижалари бўйича гуруҳлардан вакилларини тақдимотга чақиради. 2.6.Тақдимот давомида гуруҳ вакилларига аниқлаштирувчи саволлар бериб боради. 2.7.Топшириқлар ечимини гуруҳлараро баҳоланишини ташкил қилади. Ҳар бир гуруҳнинг иш натижалари умумлаштирилади ва хулосалар берилади, ўзаро баҳоланади.</p>	<p>Гуруҳларда биргаликдаги топшириқларни бажарадилар.  Гуруҳлар иш натижаларининг тақдимотини ўтказадилар. Баҳсда иштирок этадилар, саволлар берадилар, баҳолайдилар</p>
<p>3-босқич. Яқунловчи. (10 дақ)</p>	<p>3.1.Машғулотга яқунловчи хулосалар қилади. Натижаларни изоҳлайди. 3.2.Ҳар бир иштирокчинини ҳисоб-китоб ишларини тўғри ва аниқ бажаргани, маърузанинг мазмуни, берилган жавоблар ҳисобга олинади. 3.3.Яна бир бор кейснинг мақсадини ва унинг касбий билимларни оширишга таъсирини айтиб ўтади.</p>	<p>Тинглайдилар, аниқлаштирувчи саволлар берадилар.</p>